O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 18 апрель, чоршанба • №30 (11.315) • Эркин нархда сотилади

## 10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

## БЎКА: ЙЎЛЛАР ВА ОДИМЛАР




**Кейинги ўн йил ҳақида гап кетганида, одамлар ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапирадиган бўлиб қолишди. Бозорлар, кўчалар, маҳаллалар, туманлар, шаҳарлардаги янгича қиёфа, кишиларимизнинг ўзаро янгича муносабатлари бугун яққол кўзга ташланиб турибди. Ватанимиздаги буюк ўзгаришлар, янгиланишларни вилоятимизнинг Бўка тумани мисолида ҳам кўрсак бўлади.**

Ҳар гал бу қадимий, Буюк Ипак йўли устида жойлашган Сирдарёнинг намхуш шамолларига кўксини тутган маконга кириб келаётганимизда, йўловчилар жонланиб қолишади. "Бўкага келдик","Ҳаво ҳам ўзгарди","Бўкада булоқ кўп, суви шунинг учун ширин", деган гап-сўзлар бошланади.

Одатда, бирон жой ҳақида гапирмоқчи ёки ёзмоқчи бўлсангиз, гапни қаердан бошлашни билолмай қоласиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Туман тўғрисидаги мўъжазгина битикларимизни унинг эртанги кунидан, истиқболидан бошлашни маъқул кўрдик.



*СУРАТДА: Бўка агросервис коллежининг директори муовини (ўнгдан учинчи) Анвар Мўминов талабалар даврасида.*

## ЮРАКЛАРДА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

**Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдулла Қодиров билан суҳбат**

— Истиқбол ҳақида гапириш осону лекин амалда бирор нарсани кўрсатиш жуда масъулиятли. Мустақилликка эришганимиздан бери мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Кеча боқиманда бўлиб яшашга одатланиб қолган одамлар бугун ўзларини асл хўжайинлардек тутмоқдалар. Тўғрида, ахир ернинг эгалари шу одамларимиз-ку. Энг муҳими ташаббускорлар кўпайди, тадбиркорлар кўпайди. Уларнинг тинибтинчимаслиги туфайли жуда кўп янгиликлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Биласиз, Бўкада саноат корхоналари йўқ ҳисобида. Пахта заводи бундан мустасно. 1993 йилда биринчи қўшма корхона — "Ўзтуркаккумаш" барпо этилди. Ҳозир у "Аккумашсервис" деб аталади. Заводда уч хил аккумуляторлар ишлаб чиқарилмоқда. 84 киши эса иш билан таъминланган. Яна "Юлдуз" очиқ турдаги акционерлик жамиятининг тикув цехи ҳам бор. Лекин, хомашё келсагина ишлайди, бўлмаса йўқ.

Ҳар нарсанинг боши ташаббусдан, интилишдан дейишади. Сўнгги йилларда тадбиркорларимиздан турли таклифлар туша бошлади. Уларнинг оқибат натижаси ўлароқ иккита помидор қайласи ва консерва қилиш цехлари ишга туширилди. Бунга 137 савдо, умумий овқатланиш ҳамда 128та хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам қўшсак, тадбиркорларимиз қанчалар катта куч эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июндаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжаликларига айлантириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 1999 йилда 5та, 2000 йилда эса 9та жамоа хўжаликлари ширкатга айлантирилди. Уларда меҳнат қилаётган 16354 нафар мулкий пай эгалари 150,2 миллион сўмлик пайга эга бўлдилар. Бу йилнинг биринчи чорагида эса, яна 6та хўжалик ширкат мақомини олди.

Қурилиши чала қолган ип йигирув фабрикасига тендер эълон қилинган. Комбинатни бу йил тиклаш масаласини туман ҳокимлиги ўз олдига кун тартибидаги масала қилиб қўйган. Амалга ошиб, корхона ўз эшикларини очса, 2 мингга яқин аҳоли иш билан таъминланади.

Бу юмушларнинг ҳаммаси ким учун қилинмоқда? Албатта туманимизнинг равнақи, истиқболи, одамларимизнинг фаровонлиги учун. Энг муҳими Бўка халқининг эртанги кунга ишончи барқарор. Ишонч бор ерда эса ҳар бир босилган одим самарали бўлади.

**Бўка тумани:**
**1943 йил 18 майда ташкил топган. Умумий ер майдони 590 квадрат километр. Унинг 35373 гектари ҳайдалади.**
**Аҳолиси 101800 киши.**
**Аҳоли яшайдиган пунктлар 92та.**
**Халқ хўжалигида 35424 киши банд.**
**Қишлоқ фуқаролари йиғини 8та.**
**Маҳалла қўмиталари 36та.**
**Хўжалик юритувчи субъектлар сони 805та.**
**Туманда 3та саноат корхонаси, 3та транспорт корхонаси, 3та қурилиш ва 3та савдо ташкилоти ишлаб турибди.**

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗАРО ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАР

***Россия Федерациясининг «Аэрофлот — российские авиалинии» етакчи авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам рейсларни амалга ошира бошлади. Аэрофлотнинг Москва — Тошкент — Москва йўналиши бўйича катновчи биринчи «ТУ-154М» самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди. Ушбу самолёт машҳур «Боинг» ва «Аэробус»лардан қолишмайди. Самолётда 24та бизнес тоифадаги ва 102та иқтисодий тоифадаги йўловчи ўрни бўлиб, учиш вақти тўрт соатни ташкил этади.***

Ўтган йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Аэрофлот ўртасида кодшеринг (биргаликда фойдаланиладиган рейс) шартлари асосида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома имзоланган эди. Шартномаға мувофиқ ҳамкор компаниялар ўз рейсларида бир-бирлари учун иқтисодий тоифадаги салонларда 30та ўрин ажратади. Бу компанияларнинг Аэрофлотнинг Москвадан Россия Федерацияси шаҳарларига ва чет элга амалга оширадиган кўплаб рейсларида транзит йўловчиларни ташиш имкониятларини кенгайтиради. Бугун аэрофлот хариталаридан Россиядаги 121та ва хориждаги 64та аэропорт ўрин олган. Ўзаро фойдали ҳамкорлик туфайли авиакомпаниямиз имкониятлари кенгаймоқда. Келгусида Аэрофлот ўз йўналишида «Боинг-737», «А-310» самолётларидан фойдаланиш ниятида.

— Биз Ўзбекистон бозори имкониятларини юқори баҳолаймиз, — деди янги линиянинг очилиши муносабати билан «Аэрофлот — российские авиалинии» компаниясининг МДҲ давлатлари, Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлари бўйича минтақавий бўлими бошлиғи Н. Иваненко. — Республикангиз ушбу минтақанинг бошқа мамлакатларига нисбатан тез ва жадал ривожланмоқда. Ўзбек авиаторлари билан алоқаларимиз узоқ тарихга эга. Янги авиалиниянинг очилиши турли йўналишларда ривожланиш имкониятларимизни кенгайтиради.

***В. ДРАЧЁВ,***
***ЎзА мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИСИ

***Шу йил 12-13 апрель кунлари Фарғона шаҳрида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан «Маънавият тарғиботида услуб ва кўргазмалилик» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент вилояти маънавият ва маърифатчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Семинарнинг иккинчи куни юртимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган воизларнинг республика кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

Воизлар баҳсида вилоятимиз вакили, Ўртачирчиқ туман «Машъал» газетаси муҳаррири Ҳамид Норқулов ҳам муваффақиятли иштирок этиб республика марказининг эсдалик совғаси ва «Маънавият фидойиси» фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

***Ўз мухбиримиз.***

### АХБОРОТ ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ

***Вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонасида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

Ундан кўзда тутилган асосий мақсад, республика бўйича вилоят кутубхоналари негизида ахборот ҳуқуқий марказларини ташкил этиш ва шу ерда кишиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ундан фойдаланишда эса электрон алоқа хизматлари: факс, интернет, электрон почта ва бошқа алоқа воситалари хизматларини йўлга қўйишдир.

Семинарда тегишли ташкилотлар вакиллари ушбу лойиҳани амалга оширишда ўзларининг белгилаган вазифалари ва аниқ таклифлари билан иштирок этдилар.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

### ФУРҚАТ МАҲАЛЛАСИ ҒОЛИБ

***Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Оқсоқоллар кенгашининг ҳайъати қарорига биноан Кибрай шаҳарчасидаги Фурқат номли маҳалла 2001 йилда ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг вилоятдаги мутлақ ғолиби деб топилди.***

Куни кеча шу воқеага бағишланган тантанали йиғилишда республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов Фурқат маҳалласи оқсоқоли Т.Тўраевга «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг биринчи даражали дипломи ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Шундай қилиб, бу маҳалла кўрик-танловнинг республика босқичида вилоятимиз номидан иштирок этадиган бўлди.

***Баҳора ЎСАРОВА.***

### «ЭРКАТОШ»ДА СПОРТ МАЖМУИ

***Оҳангарон туманидаги «Эркатош» қишлоғида соғломлаштириш спорт маскани ишга туширилди.***

Туман ҳокимлиги ҳамда Фидокорлар партияси туман кенгашининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда спорт мусобақаларининг финал босқичи ҳам ўтказилди.

Эркатошликларнинг бу ташаббуси қулоч ёзмоқда. Хусусан, тумандаги 27-ўрта мактабда ҳам ҳашар йўли билан спорт майдони қурилиши бошлаб юборилди.

***Отабек ҒАФФОРОВ.***

### ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ШИФОХОНА

***«Нуроний» жамғармаси Юқоричирчиқ тумани бўлими «Суранкент» қишлоқ фуқаролар йиғини жамоатчилик маркази ташаббуси билан шу ҳудуддаги қаровсиз эски бино таъмирланиб, қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди.***

Ҳозирги кунда бу ерда акушерлик, эмлаш ва муолажа ҳамда стоматология каби бўлимлар аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

ВИЛОЯТ ҳаёти

Таҳлил

## ҲАРАКАТ МЕВАЛАРИ

**Ўртачирчиқ тумани Тошкент вилоятида катта салоҳиятга эга энг йирик туманлардан бири ҳисобланади. 150 мингдан зиёд аҳолига эга бўлган туманда қишлоқ хўжалиги билан бирга саноат ҳам анча ривожланган бўлиб, қўшма корхоналар сафи тобора кўпайиб бормоқда.**

Афсуски, кейинги йилларда туманда мавжуд ички имкониятлардан фойдаланмаслик оқибатида у ўз шуҳратини бой бериб, айниқса, қишлоқ хўжалигида орқага кетиш бошланди. Ўтган йили пахта тайёрлаш давлат буюртмаси барбод бўлди. Фермер хўжаликлари ҳаракатига эътибор сустлиги, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли, белгиланган топшириқлар бажарилмай қолди. Ернинг талон-тарож қилиниши, уларнинг мелиоратив ҳолатига эътибор бермаслик ва ариқ-зовурларнинг йиллаб тозаланмаслиги туфайли ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши рўй берди. Энг ачинарлиси, меҳнат кишисига бўлган эътиборнинг йўқлиги одамлардаги кайфиятни «бўғиб» қўйди.

Вазиятни тўғри баҳолаган вилоят ҳокимлиги туманда кадрларни ўзгартирди. Янги раҳбарият ишни қишлоқ хўжалигидаги аҳволни ўрганишдан бошлади. Гарчи кузги хирмон натижалари ҳақида гапириш эрта бўлса ҳам, бошланган катта ҳаракатнинг дастлабки йўналишларини айтиб ўтиш лозим деб ўйлайман.

Биринчи иш фермер хўжаликларидаги аҳволни яхшилашга қаратилди. Бунинг сабаби бор. Ўтган йили режадаги туман пахтасининг қарийб ўн фоизи фермерлар ҳисобидан берилмаган эди. Шу мақсадда 200 га яқин фермерлар залга йиғилиб, уларнинг дарди эшитилди. Уларга хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарлари минбарга чиқарилиб, «хўш, сиз ва ташкилотингиз фермерларга бу йил қандай хизмат кўрсатади?» деган саволга жавоб изланди. Меҳнат ҳақи, техника, ёнилғи, минерал ўғитлар ва маҳсулот шартномаси ҳақида 100дан ортиқ саволларга жавоб берилди. Шунингдек бу йиғилишда микрокредитлар олиш, лизинг асосида фермерларнинг техникага эга бўлиш йўллари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Бу мулоқот орадан бир ой ўтар-ўтмас яна қайтарилди ва берилган дастлабки топшириқлар раҳбарлардан сўралди. Бунинг натижаси шундай бўлдики, фермерлар сўз ва иш бирлигига ишона бошлашди.

Иккинчи иш, ширкат хўжаликлари билан банклар ўртасидаги алоқа ўтнатилди. Туман «Пахтабанк»и ҳар бир хўжаликка 5 миллион сўмдан қисқа муддатли кредит ажратиш имкониятига эга бўлса ҳам, биронта хўжалик қарз олиш учун мурожаат қилмаган. Бу аҳволга танқидий баҳо берилди. 8та хўжаликка 40 миллион сўм кредит ажратилди. Олинган маблағ қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун йўналтирилди. Бу хўжаликлар учун ислоҳотларни амалга оширишда қўл келди.

Туманда техника аҳволи ҳам ачинарли ҳолга келиб қолган эди. Хўжаликлар устахонасида оддий таъмирлаш ишларига ҳам имкон йўқ. Шу боис 8та хўжаликнинг бор техникаси туман машина-трактор паркига йиғилди. Уларни таъмирлашга паркдаги ҳамма цехлар жалб этилди, керакли эҳтиёт қисмлар тезликда тайёрланиб, топилиб, қисқа муддатда техника таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда далаларда иш қизиб, бу ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.

Қилинган ишларнинг баъзиларини қайд этиш билан айтмоқчиманки, қишлоқ хўжалигида кўтаринки кайфият бошланди. Деҳқонлар Ўртачирчиқнинг аввалги шуҳратини тиклаш учун астойдил бел боғлашди.

Бугунги кунда лизингнинг молиявий восита сифатидаги самарадорлиги оддий деҳқонга ҳам тушунарли. Саъй-ҳаракатлар туфайли лизинг асосида туманга 12та ҳайдов тракторлари олиб келинди ва бу иш давом этмоқда. Йиллаб тозаланмаган ариқ-зовурлар тозаланиб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга киришилди. Мен бу ерда рақамларни келтириб, қанча ишлар бажарилганлиги ҳақида ёзиб ўтирмадим. Ҳамма гап деҳқонларимизнинг ерга ва ишга бўлган муносабати тубдан ўзгара бошлаганида.

Қишлоқ хўжалигидаги бу ўзгаришлар туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан бирга олиб борилмоқда. Туман маркази — Тўйтепа шаҳрини озода ва обод масканлардан бирига айлантириш учун кенг кўламда ҳаракат бошланди. Жойлардаги маъмурий бинолар, мактаб ва тиббиёт масканлари олди гулзорларга айлантирилмоқда. Маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одатда журналистлар кузатувчан бўлади. Мустақил юртимизнинг бир бўлаги бўлмиш Ўртачирчиқда бўлаётган яхши ишлар қўлимга қалам тутқазди. Зеро, бу туманнинг эртаси ва истиқболини белгиловчи омилдир.

***Ҳамид НОРҚУЛОВ,***
***журналист.***

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

# БЎКА: ЙЎЛЛАР ВА ОДИМЛАР

Биринчи ҳикоя

## АВЛОДЛАР СОҒ ОМОН БЎЛСА

**Раҳимжон ака саҳарда туриб, ҳовли юзаларини кўздан кечирди. Тоза ҳаводан мириқиб нафас олди, кейин юз-қўлини чайгани қўлювгич ёнига келганда набиралари сочиқ, сув билан уни кутиб туришарди.**

– Баракалла она қизларим, полвонтойларим, – чеҳраси ёришиб кетди Раҳимжон аканинг,-умрларинг узоқ бўлсин, илоҳим камолларингни кўриш насиб этсин.

Бобо невараларини алқаб-алқаб ювинди, кейин дастурхон ёнига келиб чўкди. Аҳли хонадон жам бўлиб, отани кутиб ўтиришарди.

– Қани, тўрга, дадажон, – ўрнидан туриб қўлини қовуштирди катта ўғли Бахромжон.

– Чой аччиқ бўлсинми ёки суюқроқ? – сўради келин.

– Бобожон, новвот солайми? – сўради кўзлари чақнаб турган энг кичкинтой невара.

– Хах, отинг нимайди, мендан кўра ўзингнинг егинг келиб турибди-ку, – кулди Раҳимжон ака.

Оила гангир-гунгур билан нонушта қилишди, сўнгра Баҳром, Зафар, Ботир, Акмал ота-оналаридан фотиҳа олиб, бири ишга, бири ўқишга отланишди. Набираларининг қай бири мактабга, қай бири боғчага жўнади.

– Зап ажойиб замон бўлдида, – деди Раҳимжон ака. – Ўғлимиз Бахромжон аввал "Чорва-сервис" фирмасининг бошлиғи бўлармиди?

– Ўша фирманинг ўзи тузилармиди, денг? – деди Малика опа, – бизни Ҳажга боришимизчи? Озод бўлдик-ку, ҳамма ниятларимиз амалга ошди.

– Яхшиям болаларни меҳнатга ўргатган эканмиз. Қара, ҳаммасининг тани-жони соғ.

– Давлатимиз ҳам катта ишлар қилаяпти. Битта туманимизни олиб кўр, – уни қувватлади Раҳимжон ака, – яхши ишларни санаб адо қилолмайсан.

– Эру хотин анча суҳбатлашиб ўтиришди. Бўкада Раҳимжон ака ва Малика опа Ёқубовларнинг хонадони каби оилалар талайгина. Уларга "Наврўз" маҳалласида ҳамма ҳавас қилади.

Янги асрнинг дастлабки йилини мухтарам Президентимиз "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилдилар. Ҳаммамиз Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йилида олиб борилган ҳайрли ишларни узвий давоми деб қабул қилдик. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасидаги кенг қамровли ишлар 2001 йилда ҳам давом этмоқда. Юмушлар эса жуда кўп: оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, оилаларини мустаҳкамлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш... Буларнинг ҳаммаси туман Она ва бола Дастурида ўз аксини топган. Дастурда белгиланишича:

**туман марказий шифохона бўлимларида экстрогенитал хасталиклари бор аёлларни соғломлаштириш учун 55та давлат ўринлари ташкил этилди, шу кунгача 645 нафар аёл шифо топди.**

**Аёллар маслаҳатхонаси қошида "Ёш оила" мактаби ташкил этилди. Шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларнинг 80 фоизи тиббий назоратдан ўтказилди.**

**Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида вилоят "Скрининг" марказига 479 таҳлил жўнатилди.**

**Туманда бир ёшгача бўлган болалар 1910та бўлиб, уларнинг 1246 нафари тиббий кўрикдан ўтди.**

**16557 нафар 6 ёшгача бўлган болаларнинг 6278таси шифокорлар назоратида бўлдилар.**

**Ҳар бир мактабда тиббий хоналар ташкил этиш ҳамда ҳамширалар тайёрлаш, "Жозибали табассум" танловини ўтказиш назарда тутилган.**

**Оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлаш ишларига 17 миллион сўм ажратилган.**

Иккинчи ҳикоя

## МАЪРИФАТ ЭЛЧИСИ

**Бўка туманига кираверишдаги кўркам бинода агросаноат коллежи жойлашган. Янги асрнинг илк йилида ушбу илм маскани ўзининг 35 йиллигини нишонлайди. У дастлаб техникум тарзида ташкил этилган эди, 1996 йилда коллежга айлантирилгач, ёшларнинг севимли ўқув даргоҳи бўлиб қолди.**

– Коллежимиздаги тўрт бўлимимизда, – деб ҳикоя қилади директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Анвар Мўминов. – Ҳозир 1150 талаба таълим олмоқда. Уларга 71 муаллим сабоқ беради. Шу кунгача эса коллежни 5750 мутахассис битириб чиқди.

– Коллежни битирганлар қаерда ишлаяпти? – деган саволимизга Анвар Мўминов:

– Туманимиз ширкат хўжаликларида, автокорхоналарида, фермер хўжаликларида, фирмаларда, ҳатто ички ишлар бўлимларида меҳнат қилмоқдалар. Ишга чанқоқ кадрларга ҳамма ерда жой топилади.

Аввало, талабаларнинг ўқишга бўлган рағбати жуда юқори. Маънавий-маърифий ишларни кўнгилдагидек йўлга қўйганмиз. Яхшиси бу ҳақда туман маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби Малика Мирзаева айтақолсинлар.

– Биласизми, – деди Малика опа,- коллеж ўқувчилари бир хил формага эга. Бунинг аҳамияти жуда катта. Аввало, бу ўқув юртида тартиб-интизом тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир. Гуруҳлараро спорт мусобақалари, танловлар мунтазам бўлиб туради. Айниқса, "Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Оқила қиз" кўрик танловларида талабалар жуда фаол иштирок этмоқдалар. Буюк аждодларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган маърифий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувларда айниқса, ёшларнинг интилиши, қобилиятлари яққол намоён бўлмоқда. Маънавият ва маърифат хонаси эса уларнинг энг севимли жойи. Хуллас, коллеж ҳам билим маскани, ҳам маънавият элчиси, десам янглишмайман.

Чиндан ҳам маънавият ва маърифат хонасига кириб, талабаларнинг қалбига эзгулик уруғлари сочилаётганига амин бўлдик. Хонадаги турли мавзулардаги кўргазмалар, адабиётлар ҳар бир ўқувчига чуқур билим бера олади. Фақатгина коллежда эмас, махсус режа бўйича туманда узлуксиз маърифий тадбирлар олиб борилмоқда.

**Туман маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси ва иштироки билан:**

**"Қомусимиз – бахтимиз" мавзуида барча мактабларда очиқ дарслар олиб борилмоқда.**

**– "Турон" гуруҳи иштирокида "Ватан қисмати – менинг қисматим" театрлаштирилган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мингга яқин йигит-қизлар қатнашди.**

**"Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловида туманнинг энг истеъдодли ёш хонандалари қатнашдилар.**

**"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман аҳолисининг барча қатлам вакиллари иштирок этди.**

**"Маънавият кўнгил чироғи" деб номланган шеърият ва мусиқа кечаларида вилоятнинг кўзга кўринган ижод ва маданият аҳли қатнашмоқда.**

**Ҳафтанинг ҳар жума куни маънавият кунлари деб эълон қилинган.**

**Маънавият ва маърифат кенгаши дастуридан ўрин олган "Соғлом турмуш – соғлом она ва бола", "Аждодлар руҳи ҳамиша барҳаёт", "Болалар бизнинг келажагимиз", "Ўлкамизни ўрганамиз" каби мавзулардаги тадбирларни туманнинг 53 мактаби, билим юртлари, барча муассасаларда ўтказиш белгиланган.**



Учинчи ҳикоя

## ЕРДАН ДУР УНДИРГАНЛАР

**Йўлдош Хожиматов номли ширкат хўжалигида бўлганимизда Тўлаган Исоқовнинг номини тез-тез тилга олишди.**



*«Дўстлик» ширкати «Ишонч» фермер хўжалиги раҳбари Тўлаган Маликов (юқорида), Йўлдош Хожиматов номли ширкат хўжалиги раиси Муртазоқул Хожиматов (ўнгдан иккинчи) бош пудратчи Тўлаган Исоқов билан чигит экилган далада.*

– Ўзимизнинг машҳур футболчими? – сўрадик ҳазил аралаш.

– Ўзимизнинг машҳур пайчимиз, бош пудратчимиз. У ҳам пахтакорчию фақат даладан олтин ундиради,-деди ширкат раиси Муртазоқул Хожиматов.

Тўлаган Исоқов деганлари чинданам серғайрат, офтобда қорайиб пишган йигит экан.

– Мана пойқадамларинг ёқиб, бугун экишни тугалладик, – деди у омонлашар экан. Кейин эгат бошига яқинлашиб келаётган тракторнинг рўпарасига юрди.

– 2001 йилда 35 гектарга пахта, 35 гектарга ғалла экамиз. Ўтган йили ёмон бўлмадик, керагидан ошириб адо этдик режаларни.

– Бу йилчи, бу йил?

– Бу йил ўтган йилдан ҳам яхши бўлади. Ахир юртимизнинг ўн йиллик тўйига хирмонда олтину мўл-кўл ғалла билан юзимиз ёруғ бўлиб борганга нима етсин, – деди Тўлаган ака.

– "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган нақл бор.

– ...Учта ҳайдов, чопиқ трактори, тиркамалар бисёр. Мана, битта механизаторимиз Саттор Жўраев. Барака топкур бир дақиқа тиним билмайди.

Сал кун ўтмаёқ бу ерларни ям-яшил ғўзалар қоплайди. Далаларга ажиб тароват, файз ёғилади. Тўлаган ака бошлиқ пудратчиларнинг пешона терлари чаноқлардаги оппоқ дурга айланади.

**Туманда:**

**ҳозиргача 20та ширкат хўжалиги мавжуд. Ишни янги услубда ташкил қилиш унумнинг ортишига омил бўлмоқда.**

**16та чорвачиликка ихтисослашган жамоа хўжаликлари иш олиб бормоқда.**

**Ўтган йили давлатга 39840 тонна ўрнига 40301 тонна пахта сотилди. Бу йил 41 минг тоннадан ошиқ пахта етиштиришни мўлжалламоқдалар.**

**244та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. "Камолот", "Ишонч" фермер хўжаликларининг ютуқлари тумандан ташқарида ҳам машҳур.**

Тўртинчи ҳикоя

## НОН ИСИ

**Улкан дастгоҳлар тинимсиз ишлайди. Оқ халат кийган ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бири хамирни қолипларга урса, иккинчиси уни печларга жойлайди, учинчиси эса қорилаётган хамирни назорат қилиб турибди. 35-40 дақиқа ўтгач, лenталарга иссиқ нон келиб туша бошлади. Марат Аббасав билан Сайдулла Эшонқуловлар уни махсус мосламаларга таҳлай бошлашди.**

– Корхонамизда – у Бўка нон ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталади – 111 киши ишлайди. Нонлардан ташқари макароннинг уч хили, беш хил салқин ичимликлар, уч хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. "Бўстон", "Дўстлик", Йўлдош Хожиматов номли ширкат хўжаликларида филиалларимиз, цехларимиз бор,-деб ҳикоя қилди корхона директори Одилжон Аҳмедов. -Бир кеча кундузда 7 минг дона нон тайёрланади. Оққўрғон, Олмалиқ, Пскент, ҳатто, Бекободдан ҳам келиб олиб кетишади.

– Нега энди 7 минг дона, кўпроқ ёпишнинг иложи йўқми?

– Дастгоҳимиз ВТЕЛ-2 деб аталади. У бир кеча-кундузда 25 тонна унни ёпишга қуввати етади. Биз бундай қилолмаймиз. Қанча талаб тушса, шунча нон тайёрлаймиз. Йўқса исроф бўлади.



*Бўка нон маҳсулотлари бирлашмасида тайёр нонни таҳлаш жараёни.*

– Ноннинг сифати устасига ҳам боғлиқ...

– Усталаримизга гап йўқ. Рўзивой Умиров, Аркитий Папакозма, Равшан Раҳмонов, Бахтиёр Тўраевлар ўз ишларининг устаси.

Озода, ёруғ корхонани тарк этар эканмиз димоғимизга нон иси урилди. Яна печдан иссиқ нонлар туша бошлади. Қулоғимиз остида эса машҳур қўшиқнинг сатрлари янграгандек бўлди: "Тандир тўлиб ёпилди нон, ёпилди нон, момо..." Нон исидан улуғроқ ис бормикин дунёда.

**Туман ғаллакорлари:**

**ўтган йили 25250 ўрнига 25999 тонна ғалла етиштирдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига салкам 30 центнерга етди.**

**Бу йил ялпи ҳосилни 29480 тоннага, ҳар гектар ердан олинадиган донни эса 36 центнерга етказиш мўлжалланган.**

Бешинчи ҳикоя

## ҲУНАР-ЗАР, ҲУНАРЛИ ЗАРГАР

**Бўкага келиб энг машхур маҳаллани сўрасангиз, албатта, Олтиш дейишади. Нимаси билан машҳур десангиз, сандиқсозлари билан деган жавобни оласиз. Сандиқсозлик халқимизнинг азалий ҳунарларидан бири. Ҳали ўзбекнинг биронта тўйи сандиқсиз ўтмаган. Келиннинг сеплари орасида бисот сандиғи бўлмаса, қайнонанинг чеҳраси очилмайди. Шу сабабли ҳам сандиқсозлар доимо эъзозда.**



*Сандиқсоз уста Саидусмон Маҳмудов (ўртада) шогирдлари Солижон ва Алижон Қосимовлар билан.*

Уста Саидусмон Маҳмудовнинг саронжом-саришта ҳовлисини кўриб ҳайрон қолдик.

– Устахона алоҳида.

Устахона терак ғўлалари, турли ўлчамдаги тахталар, шпаллар билан тўлиб тошганди. Электр арра чийиллаб тахта кесади. Рандаларнинг ғириллаши, болғаларнинг тақ-туқлари авжида эди. Бўялган, нақшли, рангли тунука қопланган тайёр сандиқларни кўриб кўзингиз қувнайди.

– Сандиқсозлик ота касбми?

– Йўқ, ўзим ўрганганман. Эски Жувадаги уста Тўлқиннинг дўконида жуда кўп бўлардим. Унинг қилаётган ишларини кўриб, дилимда бир ҳавас уйғонди. Машқ қила-қила охири қўлим бемалол келадиган бўлиб қолди.

– Ишлаётган шогирдларингиз, фарзандларингизми?

– Улар маҳалланинг йигитчалари. Арарачи Рашид Мўминов, сандиқ қилаётганлар Усмон Нуриддинов, Ҳайрулло Олимов – 15дан ошиқ устазодалар бор. Фотиҳа олиб, мустақил дўкон очганлари ҳам анчагина.

– Битта сандиқнинг нархи қанча?

– Бизда икки сандиқ, битта қути 14-16 минг сўм атрофида.

– Йигитлар фақат ҳунар ўрганишадими?

– Эҳтиёжларига яраша ҳақ ҳам оладилар.

– Ёғочни нима қиласизлар?

– Қидирамиз, топамиз, сотиб оламиз. Тахталарни Ўриксордан келтирамиз. Бир уй жон бўш ўтирмаймиз. Аёлим Меҳрихон ҳам, қизларим ҳам бўш қолди дегунча ёнимга киришади. Давлатимиз ҳамма ишга йўл очиб қўйибди. Уддаласак, элга ёқадиган иш қилсак, бас.

Устахонада иш қизғин. Устаю шогирдлар тиним билмайди. Энг муҳими маҳалла ёшлари бекор эмас. Бугунги шогирд эртага уста бўлиб етишади. Улар ҳам устозларининг изидан кетиши аниқ.

**Туманда:**

**новвойлик, темирчилик, косибчилик, умуман ҳунармандчилик билан шуғулланадиганлар кундан-кунга ортиб бармоқда. Уларнинг сони бугун 200дан ошади. Фақатгина косибчилик билан шуғулланганлар 34 кишини, сартарошлар 91 кишини ташкил этади.**

Олтинчи ҳикоя

## МАНЗИЛ ЧОРЛАЙДИ

**Неъматжон Абдуллаев ёш бўлса ҳам катта корхонага бош. У 1997 йилда туман автомобиль йўллари бошқармасига ишга келганида кўпчилик бу бола нимани қойил қиларди, дейишган эди. Неъмотжон енг шимариб ишга киришди. Дастлаб тумон ҳудудидаги йўлларни яхшилаб ўрганиб чиқди. Кейин техникани бутлашга эътибор берди.**

– Бизнинг ишда техника шай бўлмаса ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – деди Неъматжон, – жорий таъмир бор, ўрта таъмир бор, капитал таъмир бор. Уларнинг ҳаммаси қудратли техника билангина амалга ошади, холос.

– Янгиларини ҳам олган бўлсангиз керак?

– Ҳа, албатта. Автогрейдер олдик. 2та автомобиль бор. Қарамоғимиздаги юк ташийдиган машиналарни бензиндан дизел ёқилғига ўтказдик. 2та ТТЗ-100 тиркамамиз, ДУ-147 асфальт ёйувчи машинамиз бор. Автокран, МТЗ тракторимиз хизматга шай.

– Таъмирлашни яхшилаб шарҳлаб берсангиз...

– Капитал таъмир ҳар 5-6 йилда бир бўлади. Унда йўллар тўла асфальтланади, четлари тозаланади, дов-дарахтлар экилади. Ўрта таъмир эса маълум участкаларни тузатишдан иборат. Жорий таъмир ўйдин чуқурларни тўлдириш, текислашдан иборат. Бу йил мана шундай юмушларга 175 миллион сўм ажратилган. Ўтган йил 115 миллион сўмлик иш бажарган эдик. Бекор турмагандан кейин ишчиларимизнинг ҳам меҳнат ҳақлари кўнгилдагидек бўляпти. Уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга интиляпмиз.

Йўллар кафтдек текис. Айниқса, Бўка, Бекобод йўналишида машинанинг силкинганини ҳам сезмайсиз. Йўл четига экилган арчаю қайрағочлар кўм-кўк. Кейинги икки йилда қурилган автобекатлар ўзининг шинамлиги билан ажралиб туради. Ҳар километрда йўлкўрсаткич устунлар мавжуд. Бу ишларни Неъматжон Абдуллаев бошлиқ корхона хизматчилари бажармоқда.

**Туманда:**

**249 километр автомобиль йўллари бор. Шундан 74 километри давлат аҳамиятига, 110 километри вилоят аҳамиятига, 65 километри маҳаллий аҳамиятга эга ҳисобланади.**

**Битта йўловчи ташиш, 2та юк ташиш автокорхонаси машиналари халқ хўжалиги хизматида.**



*Туман автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Неъмат Абдуллаев (ўнгдан биринчи) йўлсозлар билан бажарилган ишларни муҳокама қилмоқда.*

***Бўка тумани ҳақидаги мухтасар ҳикоячаларга нуқта қўяр эканмиз, кўнглимиздан шундай фикр кечди. Истиқлол шарофати ила янгидан жамол очаётган бу туманнинг ўзига яраша кўз-кўз қилгудек ютуқлари бор. Юқорида ўқиганларингиз ана шу ютуқлар ҳақидаги шингил лавҳалардир.***

***Туман истиқболи ҳақида гап кетганида темирйўл келтириш, ёғ-мой заводи қуриш, қўшма корхоналар ташкил этиш каби долзарб масалалар кўндаланг бўлади. Демак, ҳали бажариладиган юмушлар талайгина. Қўлга киритилган ютуқлар билан ғурурланиш баробарида уларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш ҳам керак. Буни бўкаликлар жуда яхши тушунадилар.***

***Бўка Ватанимизнинг истиқлол берган шарофатидан баҳраманд гўшаларидан биридир.***

***Бўка ўз истиқболи сари комил ишонч билан одимламоқда.***

**Темур УБАЙДУЛЛО, Даврон АҲМАД (суратлар) "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




**13-модда: Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

**Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.**

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш асосий мақсадимиздир. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон эканлиги ёрқин мужассамини топади. Зеро, инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган.

Конституциянинг 13-моддасида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклорациясида» эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклорацияси» инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди: «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар» (1-модда), «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» (3-модда), «Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади» (4-модда). Конституциямизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда одамларнинг миллатига, динига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва бошқа эътиқодга қараб чеклашлар йўқ. Чунончи Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларнинг, яъни давлатимизга мансуб кишиларнинггина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Чунки, бизда инсон ҳамма нарсадан муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч ким уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати – унинг олий қадрияти, дедик. Ҳеч ким қулликка ёки аросатга солиниши, суднинг ҳукмисиз ёки прокурор рухсатисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади. Хоҳлаган жойда истиқомат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин, қаерда яшаса, ўша ерда мансуб бўлган давлатнинг қонунларига итоат этиши шартдир.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, оилавий сир-асрорларини ошкор қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз эса, энг оғир жиноят саналади.

13-модда алоҳида равишда яна шуни эътироф этадики, Ўзбекистонда барча фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ушбу меъёр Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларига бағишланган Х-бобида махсус тарзда янада мустаҳкамланган. Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Махсус қисми» 1-бўлимида «Шахсга қарши жиноятлар» учун жавобгарлик белгиланади. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, оилага, ёшларга ва аҳлоққа қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигига қарши жиноятлар учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. «Инсоннинг энг устивор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, – деб таъкидлайдилар Президентимиз Ислом Каримов, – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалари билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади».

***Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,***
***ТДЮИ давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси.***

Ҳамкорлик робиталари

# КОМПАНИЯНИНГ ЯНГИ МУАССИСЛАРИ

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компанияси фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарорига кўра, Осиё тараққиёт банки «Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» компаниясининг устав жамғармасида қатнашиши ва компанияга кредит линиясини ажратиши кўзда тутилади.***

Компанияга ҳар бир муассис томонидан икки миллион АҚШ долларидан, жами ўн миллион АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан хорижий муассислар томонидан эркин алмаштириладиган валютада, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан эса операциялар содир этиш пайтидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валюта – сўмга тенг эквивалентда кредит линияси очилади.

Компания муассислари сони ортаётганлиги бежиз эмас. Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Мейбанк (Малайзия), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1997 йилдан буён компания билан ҳамкорлик қилмоқда. Компания раҳбари Баҳодир Йўлдошевнинг «Туркистон-пресс» мухбирига берган маълумотига кўра, шартнома бўйича, хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 5.377, 706 АҚШ долларлик 20та лизинг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шундан 17таси бўйича республикамизнинг кичик ва ўрта корхоналарида импорт ўрнини босадиган маҳсулот тайёрланаётир. Жумладан, Қибрай туманидаги «Акмал Лазиз ўғли» хусусий корхонаси полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари экспорти учун мўлжалланган яшиклар тайёрлайдиган технология билан жиҳозланди.

Бугунги кунда компания мутахассислари Европа лизинг компаниялари уюшмаси билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизга хориж технологиясини кўпроқ кириб келишига шароит яратишдир.

***«Туркистон-пресс».***



# ЧИМБОЙЛИҚ ФЕРМЕРИ

Абдужаббор Арслонов Бўстонлиқ туманидаги Чимбойлиқ қишлоғида биринчилар қаторида фермер хўжалигини ташкил этган тадбиркорларнинг бири. Бугунги кунда у оила аъзолари билан 55 гектар лалми ерда деҳқончилик қилмоқда. Ундан ташқари унинг қарамоғида 52 бош соғин сигири бор. Ўтган йили фермер аҳолига 8 тонна сут, 2 тонна гўшт етказиб берди.

— Мустақиллик берган имконият туфайли биз ана шундай ер ва мулк соҳиби бўлиб турибмиз, — дейди Абдужаббор ака. — Ниятимиз хўжаликни янада ривожлантириш, эл корига яраш. Албатта ҳали эришаётган натижаларимиздан қониқмаяпмиз. Чунки инсон муваффақиятларга эришиш учун ҳамиша изланиши, ҳаракат қилиши керак. Республикамизда бунинг учун барча эшиклар очиб қўйилди. Ундан фойдаланмоқ керак. Шу мақсадда 2001 йилда ўғилларим Абдуғаффор, Абдулхай, Аваз ва келинларим билан биргаликда яхши ният қилиб турибмиз.

Дарҳақиқат фермер хўжалиги аъзолари 40 гектар ердаги ғалла ва 15 гектар майдондаги бедадан юқори ҳосил олиш билан биргаликда чорва бош сонини кўпайтириш, масъулдорлигини ошириш устида изланмоқдалар.

*СУРАТДА: чимбойлиқлик фермер Абдужаббор Арслонов оила аъзолари даврасида.*

**Владимир ПОРТНОВ олган сурат.**

Мутахассис фикри

# УЯЛИ АЛОҚА РАҚОБАТГА ЧОРЛАЙДИ

**Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизда алоқа соҳасида ҳам ўзгаришлар даври бошланди. Ўшанда бизга биринчилардан бўлиб «Уздунробита» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси кириб келди ва уяли алоқа тизимини ишга туширди.**

Шу кунларда бундай замонавий алоқа корхоналари сони 6 тага етди. Ҳозирги кунда учта Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси, «Узмаком» Ўзбекистон–Малайзия қўшма корхонаси, «Бузтел» чет эл корхонаси ишлаб турипти.

«Уздунробита» қўшма корхонаси Тошкент вилоятининг Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида биринчилардан бўлиб ўзининг уяли алоқа тизимини ишга туширди. Шу вақтгача Қамчиқ довони, Чиноз (Жўнариқ)да репитер ускуналари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Олмалиқ ва Тошкент (Сирғали) оралиғида радиореле линияси, Ангрен шаҳрида уяли база станцияси ўрнатилди.

Бу қўшма корхона шу кунларда Бекобод шаҳри ва Чимёнда шундай уяли алоқа тизимини ишга тушириш ишларини якунлаш арафасида турипти. «Коском» қўшма корхонаси ҳам Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ўзининг уяли алоқа тизимини ишга туширди.

Ҳозирги вақтда Жанубий Кореянинг «Даево Сентрал Пейжинг Компани» корхонаси томонидан Чирчиқ, Оҳангарон ҳамда Тўйтепа шаҳарларида уяли алоқа база станцияларини барпо этиш охирига етмоқда. Улар ишга туширилиш арафасида турибди.

Ишлар шу тарзда давом этаверса, яқин вақтлар ичида вилоят ҳудудида фуқароларга сифатли телефон алоқаси хизмати кўрсатишда рақобат вужудга келади. Бу эса уяли телефон хизматини арзонлаштиришга олиб келиши, шубҳасиз. Шу кунларда унинг хизматидан фойдаланаётган асосий абонентлар корхоналар бўлса, рақобат бозори кучайгач, у арзонлашиб, оддий фуқароларимизнинг ҳам бундай замонавий хизмат турларидан фойдаланишлари учун имконият яратилади.

Алоқа хизматидаги аҳвол истиқболда шундай бўлиши кутилаётган бўлса, яъни бундай тизимлар кўпайиб, рақобатбардошлик кучайса, миллий «Тошкент Телеком» ҳиссадорлик жамияти бунга ҳозирлик кўриши керак, албатта. Акс ҳолда у касодга учраши мумкин. Унинг раҳбарлари шу кунларда бу ҳақда ўйлашмаса, фуқароларга кўрсатилаётган телефон алоқаси хизмати сифатини оширмасалар, сифатсиз телефон алоқаси хизмати кўрсатилиши тўғрисидаги оғзаки ёки ёзма ариза ва шикоятлардан тўғри хулосалар чиқаришмаса, унда бу корхона аҳволи нима билан туғашини аниқ тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳа, бозор иқтисодиёти дегани ишда сифат, яна бир бор сифатни талаб қилади.

***Аширбой РЎЗМЕТОВ,***
***вилоят давлат алоқа инспекцияси катта инспектори.***

# «ЧОТҚОЛ» МАҚСАРИ

**Оҳангарон қирадирларида мақсар экиладиган майдонлар бу йил икки карра кўпаядиган бўлди.**

– Бу ўсимлик ёғидан ош қилиб кўрганмисиз? О, мазза, – дейди «Чотқол» ширкат хўжалигининг бош чўпони Фарҳод Холбоев. – Шифобахшлигини айтмайсиз. Уни етиштириш мушкул эмас. Қир бағри бир сидра ҳайдаладию уруғ ташланади. Сўнг бир ёмғир тушиб берса бўлди, мақсар уруғи униб чиқаверади. Кўклам баракали бўлган йиллар бу экиндан гектарига 20 центнергача ҳосил кўтариш мумкин.

– Поясининг ёғли эканлигини айтмайсизми, – гапга қўшилади унинг ҳамкасби Рустам Ҳусанов, – уни еган мол борки семиради денг.

– Тўғри айтасиз. Чорвани қишловдан беталофот олиб чиқишимизда бу йил худди шу ўсимлик пояси жуда асқотди-да, – дейди Фарҳод ака. – Очиғи, бу йил ўзимга тегишли ерларнинг ҳаммасига мақсар экаман.

«Чотқол» ширкат хўжалиги раҳбари Райимжон Шодиметовнинг айтишича, бугун даланинг ҳам чорванинг ҳам ўз эгаси бор. Яйловларда бир ярим минг бошдан ортиқ қўй-қўзилару йилқилар, қорамоллар боқилмоқда. Лекин қирда иссиғу совуқни писанд қилмай чорва ортидан юриш айтишга осон. Буни унча-бунча одам эплолмайди. Чотқолликларнинг эса зуваласи пишиқ, ниятлари тоғдан-да баланд. Қўзи олиш мавсумини баракали якунлаш, мақсар экиладиган майдонларни янада кенгайтириш.

# ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

**Мамлакатимизда фаолият юритаётган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси кўплаб бунёдкорликларни ўзида мужассам этган, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда компания хорижлик ҳамкорлар кўмагида жаҳон бозорига йўл топишни кўзлаётир.**

Мазкур компания ўз тасарруфига 102та завод ва корхоналарни бирлаштирган. Бугунги кунда «Қизилқумцемент», «Бекободцемент», «Бухорогипс», «Жиззахоҳак» ёки «Ғозғонмармар»нинг маҳсулотларига эҳтиёж сезмайдиган одам топилмаса керак. Ахир юртдошларимиз бежирим иморатлар қуришни, хонадонларини доимо обод қилиб ўтиришни хуш кўрадилар.

Бугунги кунда акциядорлик компаниясига қарашли «Бекободцемент», «Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент» каби заводларда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулот тайёрланмоқда. Кейинги йилларда МДҲ республикаларининг барчасида бу маҳсулотни ишлаб чиқариш йилдан-йилга пасайиб кетган. Шуни ҳисобга олиб, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси цемент ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун хориждан зарурий ускуналар олиб келиб ўрнатди.

– Ўтган йилнинг кузида Москвада МДҲ давлатларида цемент ишлаб чиқариш таҳлил этилганда, Россияда бу кўрсаткич 30 фоизни, бошқа республикаларда ҳам бу кўрсаткич ғоят пастлиги, фақат Ўзбекистонда бу борада 50 фоизга эришилаётганлиги эътироф этилганди, – деди «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Миррустам Шодмонов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Кўрсаткичларни ошириш мақсадида заводларнинг қувват имкониятларини кенгайтириш устида иш олиб бориляпти.

Ислоҳот

Шунингдек, бугунги кунда «Оҳангаронцемен»да ҳам олти ойдан буён махсус штаб ташкил этилган бўлиб, бошқа заводларнинг малакали мутахассислари ҳам бу ерга жамланган. Чунки ёз ойларида цементга бўлган талаб кескин кўтарилади. Шунинг учун ҳам май ойининг охиригача заводдаги мавжуд тўртта печдан камида учтаси таъмирдан чиқарилади ҳамда янги ускуналар ўрнатилиб ишга туширилади.

***«Туркистон-пресс».***

Қишлоқ ҳаёти

# ШАҲАРЛИК КЕЛИН

**Яширишнинг ҳожати йўқ. Қишлоқ ҳаёти ҳақида ҳар ким ўзича мушоҳада қилади, фикр юритади. Айримлар ҳатто у ерда яшаш осон эмас, деб қиз бергилари келмайди. Лекин холисанилло айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, демакки, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзини ҳар жиҳатдан яхшилашга катта эътибор берилди. Қишлоқ ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар рўй берди.**

Қизлик уй — файзли уй, дейишади. Она шу ҳақда ўйлар экан, кейинги кунларда хонадонидан совчиларнинг қадами узилмай қолганлигидан бир томондан фахрланса, юраги ҳам увишарди. У Раъносига жуда ўрганиб қолганди. Қизи зеҳнли, ҳаёли, одобли бўлиб вояга етди. Ёшлик чоғиданоқ шифокор бўлишни орзу қилганди, институтга кириб ўқиб ниятига ҳам етди. Ҳозирги кунда маҳаллада «қўли енгил шифокор» қиз деган ном чиқарди. Наҳотки энди ўзи ёлғиз қолса? Лекин, буни ҳаёт дейдилар. Ахир қиз бола бировнинг хасми. Энг муҳими бахтли бўлсин, борган жойида тиниб-тинчиб кетсин. Агар тенги чиқса...

Саодат ая шу хаёллар билан ҳовлисини супириб, ёғ тушса ялагудек қилиб қўйди. Шу пайт бирдан дарвоза олдига енгил машина келиб тўхтаганига кўзи тушиб қолди. Шошиб, бошига рўмолини бошқатдан ўради. Аста ярим очиқ дарвоза олдига борди. Машинадан бири кексароқ, бири анча ёшроқ аёл тушди. Улар тўғри дарвоза томонга қараб келаётган эдилар.

— Ассалому алайкум, айланай, — деди Меҳрихола унга пешвоз чиққан уй эгасига илтифот қилиб, — синглим айбга буюрмайсиз, яна келдик.

— Бош устига, — деди Саодат ая таниш совчиларга назар ташлар экан, — қани ичкарига!

Ая уларни ҳовли этагидаги ясатиғлиқ уйга бошлаб кирди. Ўтиришди, фотиҳа ўқилди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Ая уларга чой узатди, «олинглар, еб ўтиринглар», деб илтифот қилди. Гап-сўзларидан англадики, улар бу сафар анча жиддий ва астойдил эдилар. Шунинг учун «мен ҳозир», деди-да, ташқарига чиқди. Телефонда опасини, поччасини чақиртирди. Ахир буни умр савдоси дейдилар. Уларнинг ҳам фикри, маслаҳатини олиш, албатта, зарур.

Қариндошлар етиб келди. Хона гавжумлашди. Худди эски қадрдонлардек сўрашдилар.

— Биласизлар, ўғлимиз Эркинжон олий маълумотли, қишлоқда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

— Раъномизнинг шифокорлигини ҳам айтган эдик.

— Айни муддао-да, — дейишди совчилар, — оиламиз ҳам, қўни-қўшнилар ҳам дўхтирга ёлчишади.

— Бизга қолса-ку, тўй бўлгани яхши, — деди почча гапга аралашиб, — Ёшларнинг ўзлари нима дейишади? Мен бу гапни бежиз айтмаяпман. Ахир ота-онасининг қистови билан уйланиб, уларнинг орзу-ҳаваслари қурбони бўлаётган ёшларни кўряпмиз. Бундайлар кўп ўтмай «феълимиз тўғри келмаяпти», деб қолишади...

— Бундайлардан Худо сақласин, — деди йигитнинг опаси, — Яратганга шукр, сизнинг қизингиз ҳам, бизнинг Эркинжонимиз ҳам эсли-хушли, бир касбни этагидан тутиб, ҳаётда ўзларининг мустақил йўлларини топиб олишган. Қолаверса, улар бир-бирларини билишади.

Шундай қилиб совчилар шу куни оқ ўраб, хурсанд бўлиб қайтишди. Икки томоннинг келишувига биноан август ойининг охирларида тўй ҳам бўлиб ўтди.

Янгийўл тумани Гулбаҳор қишлоғидаги Мурод отанинг хонадонига қиз узатиб келганлар бу ердаги саранжом-саришталикни кўриб ҳангу-манг бўлиб қолишди. «Келиб-келиб қизингизни қишлоққа узатасизми», деб Саодат аянинг юрагига ғулув солганларнинг дами ичига тушиб кетди. Ахир ҳавас қилса арзийдиган хонадон эди бу. Кўкрак баравар пойдеворли, ҳашаматли уй-айвонлар, гир айланган сўрилардаги беш қўлдек тараб қўйилган ток новдаларида олтиндек товланиб турган ҳусайни, хасайни узум бошлари кўзни қувонтиради. Ҳовли ўртасида дид билан экиб қўйилган гулларнинг анвойи иси димоққа урилади. Сўриларга қатор қилиб осиб қўйилган тўрқовоқлардаги беданаларнинг сайраши қулоқни қоматга келтиради. Э, ҳа, таърифлай десангиз, гап келаверади. Қишлоқ одамларининг бир-бирига аҳиллиги, иноқлиги, меҳр-оқибатларини айтмайсизми. Уй эгалари қариндош-уруғлар, яқин қўни-қўшнилар томонидан эрталабки келин саломида келин бошига қўйилган гиламлар, қимматбаҳо буюм, совға-саломларга катта айвон тўлиб кетди.

Лекин шу пайт ғала-ғовур бирданига тингандек бўлиб қолди. Қуда томондагилар ўртасида шивир-шивир гап бўлиб қолди: меҳмонлардан бирининг касали хуруж қилиб азият чекаётган эди. Нима қилиш керак? Бу кўнгилсиз воқеадан хабар топган келин «Агар рухсат берсаларингиз» деб изн сўради. Ўзи билан бирга олиб келган муолажа сумкасини қўлига олиб, беморга яқинлашди, унинг юрагини эшитиб кўрди. Дарҳол нина дорисини ишлатди. Шундан кейин бироз ўтгач, бемор кўзини очди, унга яхши гаплар айтиб, руҳлантирди. «Сира ҳавотир бўлманг опажон, тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз», деди ва яна дори ичирди. Худди айтганидек бўлди. Кўп ўтмай, касал ўрнидан турди. Бу олийжанобликдан ҳамма хурсанд, ҳамма фахрланар эди.

Раъно уч куннинг ўзидаёқ бу катта даргоҳнинг пасту-баланди, икир-чикирларини билиб олди. Махсус хонада қоп-қоп гуруч, мошлар турибди. Идишларда қўй ёғи, пахта ёғлари. Нариги бурчакдаги қопларда эса буғдой, шоли бор. Раъно ўйларди: «буларнинг ҳаммаси аҳил-иноқлик, меҳнат меваси бўлса керак. Биз бўлсак шаҳарда бу маҳсулотларни килолаб сотиб олиб, рўзғоримизга ишлатардик».

Ҳовлининг этагида эса отхона мавжуд. У ерда бўрдоқига боқилаётган от депсиниб турибди. Ёнида яна бир от тойчоғи билан кишнайди. Қўша-қўша сигир-бузоқлар. Қўрада қўй-қўзилар маърашиб турибди. Унинг ёнида товуқхона бор. Бу ердан болалар икки пақирда тухум олиб чиқишяпти. Катта хонадоннинг рўзғори бут, бекамукўст эканлигидан келин ўзича фахрланар ва «мен шунга яраша хизмат қилишим, ўз бурчимни садоқат билан адо этиб, энг аввало, қайнота, қайнонамларнинг кўнглини олишим керак», деб кўнглига тугиб қўярди. «Шундай қилсам, Эркин акам ҳам хурсанд бўладилар. Уларнинг хурсандчиликлари эса менинг хурсандчилигим ва демакки, менинг бахтим», дерди, у.

Келиннинг хизматидан ниҳоятда шод ва рози бўлаётган ота кампири билан маслаҳатлашиб, энди у ўз касбида ишлагани маъқул деган қарорга келдилар. Эркин бу гапни отасига айтолмай, қийналиб юрган эди. У ҳам хурсанд бўлди. Натижада шундоққина уйларининг рўпарасидаги марказий поликлиникага Раънони ишга жойлаб қўйдилар. Раъно тез орада худди поликлиниканинг ўз одамларидек бўлиб кетди.

... Раъно эндигина ишдан келиб турган эди. Шу пайт Эркин кириб келди.

— Қани бўлақолинг, — деди у, — уйга бормаганингизга ҳам анча бўлиб қолди. Нега қизим келмаяпти, деб хавотир олиб ўтиришгандир.

Раъно худди шу гапни кутиб турган эди.

— Раҳмат, Эркин ака, дилимдагини айтдингиз.

Раъно кийиниб чиқди. Эркин бир қучоқ гул ва ҳар сафаргидек, совға-саломларни олиб машина томонга юрди.

— Бизга қудаларимизга салом айтинглар, — деди Мурод ота ўғли ва келинига мамнунлик билан боқиб.

— Хўп бўлади, отажон. Сизларни хавотир олдирмай, барвақт келишга ҳаракат қиламиз!

Мурод ака ва Меҳрихон ая уларнинг орқасидан тикилиб, бундай кунларга етказганлиги учун қайта-қайта шукроналар айтиб қолдилар.

***Эргаш ТОШМУРОДОВ.***

